O'zbekiston Respublikasi
Sirdaryo viloyati
Guliston shahar hokimining

Q A R O R I

Р Е Ш Е Н И Е
хокима города Гулистана
Сырдарьинской области
Республика Узбекистан

2020 yil "16" март № 179 Guliston sh.

Гулистон шаҳри ҳудудидан ўтувчи М-34, 4Р-27, 4Р-28 автомобил йўлларида транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва тартибга солиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 апрелдаги "Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 292-сонли қарорига ва Сирдарё вилояти ИИБ ЙҲХБнинг 2020 йил 13 февралдаги "Гулистон шаҳри ҳудудидан ўтувчи М-34, 4Р-27, 4Р-28 автомобил йўлларида транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва тартибга солиш тўғрисида"ги 10/6-321-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Сирдарё вилояти ИИБ ЙҲХБнинг 2020 йил 13 февралдаги "Гулистон шаҳри ҳудудидан ўтувчи М-34, 4Р-27, 4Р-28 автомобил йўлларида транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва тартибга солиш тўғрисида"ги 10/6-321-сонли хати ижро учун қабул қилинсин.

2. Сирдарё вилояти Автомобил йўллари ҳудудий Бош бошқармаси (З.Суванов), Сирдарё вилояти ИИБ ЙҲХБ билан келишилган ҳолда:

М-34 автомобиль йўлининг 111-119 километрларида 3.24 "Юқори тезликни чекланган", 70 км/соат", 3.25 "Юқори тезлик чекланган ҳудуднинг охири" ва 7.2.1 "Таъсир оралиғи" йўл белгиларини:

4Р-27 автомобиль йўлининг 5-7 километрларида ва 4Р-28 автомобиль йўлининг 0-3 километрларида 3.24 "Юқори тезликни чекланган", 50 км/соат", 3.25 "Юқори тезлик чекланган ҳудуднинг охири" ва 7.2.1 "Таъсир оралиғи" йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

3. Шаҳар ҳокимлиги девонхонаси (А.Қуватов), мазкур қарорни “Гулистон янгиликлари” газетасида нашр этилишини ва шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, қоғоз ва электрон шаклларда бир кунлик муддатда, тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга етказилишини ташкиллаштирсин.

4. Ушбу қарор расмий манбаларда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари в.б М.Ўринбоев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **Т. Дадабаев**

